

Ленчонинг кафтдеккина ери бўлиб, унда ёлгиз ўзи ишларди. Бу йил жўхори, ёнига ловия эккан эди, хосил дуруст бўладиган кўринади. Ёмгир куйиб берса канийди.

Одатдаги тонгларнинг бирида Ленчо — экин-тикин нималигини тушунадиган, ўта ишонувчан дехкон — шимол тарафдан сузиб келаётган булутларга караб башорат кила бошлади.

— Хозир ёмгир ёгади, хотин, еримиз бугун сувга конади.

Овкат тайёрлаётган Ленчонинг хотини ўзича мингирлади:

— Худо хохласа.

Орадан кўп ўтмай, нонушта пайтида, Ленчо айтганидек, ёмгир йирик-йирик томчилай бошлади.

— Тасаввур килинглари болаларим, — деди хаяжонини яширолмаган Ленчо стол атрофини тўлдириб ўтирган фарзандларига карата. — Ёмгир томчилари, сизлар ўйлагандек, сув эмас, пуллар. Катта, йирик томчилар ўн, майдалари беш сентаволик танга.

Шу пайт кутилмаганда кучли шамол эсиб, эй худо, шу етмай турган эди, ёмгирга кўшиб дўл ёга бошлади.

— Ха, буниси энди ёмон бўлди, — афсусланиб бош чайкади Ленчо. — Ишкилиб ўтиб кетсин-да!

Лекин шамол ва дўл Ленчо айтгандек тезда тина колмади. Тахминан бир соатлар тинимсиз ёгган дўл уй томини ҳам, бир парча экин даласини ҳам расво килди. Шамол тиниб, ёмгир тўхтаганида кайфияти тушиб кетган Ленчо болаларига караб секин сўзлай бошлади:

— Дўл бизга ҳеч нарса колдирмади. Барча меҳнатимизни йўқка чиқарди. Бу йил энди оч қолишимиз аник...

Якшанба куни Ленчо ҳеч бир иш килмади, кун бўйи ўтириб хат ёзди ва шу кунгун уни кишлоқ марказидаги почтага олиб бориб ташлади.

Бу, шунчаки, Худога ёзилган хат эди, холос...

“Парвардигорим, — деб бошланарди хат, — агар менга ёрдам бермасанг, бу йил бутун оилам билан оч қоламан; менга уруглик сотиб олиш, хосилни йигиб олгунимга қадар тирикчилик учун юз песо керак. Сабаби бу йилги хосил дўл остида қолиб...”

Хатнинг юбориладиган манзилига “Худога” деб имзо чеккан Ленчо гоят ташвишли киёфада кишлоққа йўл олди. Почта идорасидан марка сотиб олиб хатга ёпиштирди-ю, дархол кутига ташлади...

...Хат ташувчи бошлигининг хонасига кириб келар экан, ўзини кулгидан тўхтатолмасди. У кўлидаги антика — Худога ёзилган хатни раҳбарига тутказди.

Ходими билан мириқиб кулишган кишлоқ почта идораси бошлигида тўсатдан хатга жавоб ёзиш истаги тугилди. Хатни ўкиб чиққач, факат курук сўзлар билангина жавоб хати йўллаш камлик қилишини англаб етди. Шундан сўнг барча ходимларидан пул йигди, ўз маошининг бир қисмини ажратди, камига бошқалардан ҳам ёрдам сўради.

Лекин барибир Ленчо сўраган юз песо тўплашнинг иложи бўлмади ва дехконга йигилган эллик песодан сал кўпроқ маблағни жўнатишга ахд килди.

Пулларни обдон тахлаб конвертга жойлаган бошлик унга кўшимча хат ҳам илова килди. Унда факат биргина сўз ёзилганди: “Худодан”.

Келаси якшанба куни Ленчо хат бор-йўқлигини сўраш учун почтага жуда барвақт келди.

Идорада дехконнинг хатини олиб ўкиган ходим кутиб ўтирар, бошлик эса ўз хонаси деразасидан бу хангома нима билан тугабини кутиб, кулимсираган кўйи воқеаларни кузатиб турарди.

Хат келганини билган Ленчо бундан заррача ҳам ажабланмади, чунки у Худо мактубни жавобсиз колдирмаслигига каттик ишонар эди. Лекин хатни очиб пулни санаб кўргач, кайфияти тушиб кетди... Ахир, Худонинг адашиши мумкин эмас-ку!.. Ленчо ходимнинг ёнига бориб ундан коғоз ва калам сўраб олди. Сўнг столга ўтириб хат ёза бошлади. Почтадан янги конверт ва марка сотиб олиб хатни яхшилаб жойлади-да, секин бориб кутига ташлади.

Дехкон почтадан чиқиши биланок идора рахбари кутининг ёнига югуриб келди, хозиргина ташланган, елими хали куриб улгурмаган хатни очди-ю, ўқий бошлади. Унда шундай дейилганди: “Яратган эгам, мархаматинг учун кулдук. Аммо менга юборган пулнинг олтмиш песодан камроғи етиб келди, холос. Илтимос, колганини ҳам жўнатсанг, чунки хар бир песо менга жудаям зарур. Лекин уларни почта оркали юбормасанг яхши бўларди, чунки почта идораси хўжайини, ишчилари ўлгудек зикна, очкўз ва алдоқчи одамлар. Ленчо.”

Испан тилидан Жамшид Матёкубов таржимаси